



## ПРОБАЦИЯ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМЛАРИ: ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА АМАЛИЁТ ТАҲЛИЛИ

Мехмонали Суванкулов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака  
ошириш институти, Юридик фанлар  
кафедраси бошлиғи, ю.ф.н., профессор.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20718001>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 12-iyun 2026 yil  
Ma'qullandi: 14-iyun 2026 yil  
Nashr qilindi: 16-iyun 2026 yil

### KEYWORDS

ички ишлар органлари,  
фуқароларнинг ўзини ўзи  
бошқариш органлари,  
пробация, маҳалла,  
тарбиячи, ижтимоий  
мослашув, профилактика.

### ABSTRACT

*Мақолада пробация хизмати ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари ва амалиёти таҳлил қилинган. Жамоат тарбиячиси, ижтимоий мослаштириш ва профилактика механизмларидаги муаммолар ҳамда самарадорликка таъсир этувчи омиллар аниқланган. Тизимни такомиллаштириш бўйича тақлифлар берилган.*

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ва ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислохотлар натижасида жазони ижро этиш инспекциялари негизида пробация хизмати ташкил этилди ҳамда “Пробация тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди<sup>1</sup>. Қонунда пробация соҳасини тартибга солиш, пробация хизмати ҳуқуқий мақоми, назоратдаги шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни ҳисобга олиш, ижтимоий мослаштириш, шунингдек рағбатлантириш ва ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тартиблари белгиланган.

Мазкур қонунга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари пробация хизмати билан ҳамкорликда ҳаётий тажриба ва обрў-эътиборга эга фуқароларни жамоат тарбиячиси сифатида бириктиради, ишсиз шахсларни бандлик, касб-хунар ва тадбиркорликка жалб этиш чораларини кўради ҳамда пробация назоратидаги ёшларнинг маданий ва спорт тадбирларида фаол иштирокини таъминлайди<sup>2</sup>.

Сўров натижаларига кўра, маҳалла еттилиги аъзоларининг аксарияти пробация бўлинмалари билан ҳамкорликни “аъло” ва “яхши” деб баҳолаган бўлса, ходимлар орасида “қониқарли” ва “қониқарсиз” баҳолар улуши нисбатан юқори экани аниқланган.

Пробация фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик<sup>3</sup> таҳлили асосида ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигини вазифа

<sup>1</sup> <https://lex.uz/uz/docs/7050441>;

<sup>2</sup> <https://lex.uz/uz/docs/7050441>;

<sup>3</sup> <https://lex.uz/acts/163629>, <https://lex.uz/docs/7050441>, <https://lex.uz/docs/4045443>, <https://lex.uz/ru/docs/6086474>, <https://lex.uz/docs/4735981>;

ҳамда функцияларидан келиб чиқиб, шартли равишда *бир нечта йўналишларга ажратиб кўриб чиқамиз.*

**Биринчи йўналиш**, пробацция назоратидаги шахсларни жамиятга мослаштириш ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳамкорлиги. Бу борада пробацция хизмати бўлинмалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ҳамкор тузилмалар билан биргаликда ижтимоий-ҳуқуқий, тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш, бандликни таъминлаш ва касбга йўналтириш чораларини амалга оширмоқда.

2025 йилда пробацция назоратида бўлган 86 309 нафар шахснинг муайян қисмига ижтимоий мослаштириш чоралари қўлланилган. Шунингдек, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдамга муҳтож шахсларнинг деярли барчасига ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа турдаги амалий ёрдамлар кўрсатилган. Тиббий-психологик ёрдамга муҳтож шахсларнинг аксариятига эса даволаниш ва реабилитация жараёнларида амалий кўмак берилган.

Пробацция бўлинмалари маҳалла еттилиги билан ҳамкорликда озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб чиққан 575 нафар шахснинг мурожаатларини кўриб чиқиб, уларнинг аксариятига жами 5,5 млрд сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатган. Шунингдек, маҳалла ташаббуси билан минглаб шахсларга бир марталик моддий ва озик-овқат ёрдамлари ташкил этилган.

Бандликни таъминлаш мақсадида “Ишга марҳамат” меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, назоратдаги шахсларнинг бир қисми касбга ўқитилган ва ишга жойлаштирилган. Сўров натижаларига кўра, пробацция хизмати ходимларининг аксарияти ҳамкорликнинг асосий йўналиши сифатида назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш ва ёрдам кўрсатишни қайд этган.

Тадқиқотлар ушбу йўналишда ижтимоий хизматларга йўналтиришда идоралараро мувофиқлаштириш етарли эмаслиги ҳамда ишга жойлаштириш ва касбга тайёрлаш механизмларида замонавий ёндашув ва илғор хорижий тажрибалар тўлиқ қўлланилмаётганини кўрсатмоқда.

**Иккинчи йўналиш** – пробацция назоратидаги шахсларга жамоат таъсирини кўрсатиш соҳасидаги ҳамкорликдир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 563-моддасига мувофиқ, вояга етмаган шахс шартли ҳукм қилинганда ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланганда унга жамоат тарбиячиси бириктирилиши белгиланган. Жамоат тарбиячиларини тайинлаш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек фаолиятини назорат қилиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 39-сон қарори билан тасдиқланган Низом асосида амалга оширилади<sup>4</sup>.

Таълим ташкилотлари томонидан пробацция назоратидаги ўқувчиларга педагогик кенгаш қарори асосида мураббийлар бириктирилади. Пробацция хизмати эса назоратдаги шахсларнинг хулқ-атворида ижобий таъсир кўрсатиш мақсадида яшаш жойи бўйича жамоат тарбиячилари ва ўқиш ёки иш жойи бўйича мураббийларни жалб этади. Шунингдек, суд томонидан белгиланган тақиқ ва чекловларга риоя этилишини назорат қилишда мураббийлар ҳамда жамоат тарбиячиларидан олинган ахборотлардан фойдаланилади<sup>5</sup>.

<sup>4</sup> <https://lex.uz/uz/docs/5443123>;

<sup>5</sup> <https://lex.uz/uz/docs/7050441>;

Шунингдек, амалдаги қонунчиликка<sup>6</sup> мувофиқ, фуқаролар йиғини кенгаши озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилган, жумладан пробацция назоратидаги шахсларнинг ижтимоий-меҳнат реабилитацияси ва жиноятчиликнинг олдини олиш чора-тадбирларини ижтимоий мослашув марказлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Пробацция хизмати билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигига оид аниқ ҳуқуқий механизмлар етарли даражада белгиланмагани амалиётда қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу эса назорат самарадорлигининг пасайиши, қайта жиноят, жазо ўташдан бўйин товлаш ва чекловларга риоя қилмаслик ҳолатларига сабаб бўлмоқда.

2025 йилда пробацция назоратидаги шахсларнинг 8,7 фоизи жазо ўташдан бўйин товлагани учун бошқа жазога алмаштирилган, 1,8 фоизи қайта жиноят содир этган, 0,2 фоизи қидирувга берилган<sup>7</sup>.

“Пробацция тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари пробацция назоратидаги шахсларга ижобий таъсир кўрсатувчи фуқароларни аниқлаб, улар розилиги билан жамоат тарбиячиси сифатида бириктириши лозим. Бироқ амалиётда ушбу норма кўп ҳолларда расмий-формал тарзда бажарилмоқда.

Масалан, суд қарори билан ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилган маҳкум Мирхожиев Шерзод Яшнобод туман пробацция бўлими назоратига олинган бўлиб, унга 3 нафар жамоат тарбиячиси бириктирилганига қарамасдан, у кейинчалик оғир жиноят содир этган.

Шу сабабли пробацция назоратидаги шахслар билан ишлашда янги тизим сифатида “Маҳалла еттилиги” жорий этилиб, уларга профилактика ва ижтимоий назоратга оид асосий вазифалар юклатилди<sup>8</sup>. Маҳалла еттилиги пробацция назоратидаги шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий ва педагогик ёрдам кўрсатишда “Е-ижтимоий профилактика” ахборот тизими орқали электрон маълумот алмашиш асосида ҳамкорликни амалга оширмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, пробацция назоратидаги шахсларга мураббийлар маҳалла еттилиги орқали мажлис баённомаси асосида бириктирилса-да, уларнинг тарбиявий таъсири амалда етарлича самара бермаяпти.

Сўров натижаларига кўра, пробацция ходимларининг 15,9 фоизи жамоат тарбиячилари фаолиятини “қониқарли”, 36,4 фоизи “етарли даражада бажармайди”, 9,1 фоизи “умуман бажармайди”, 27,3 фоизи эса “расмиятчилик учун тайинланган” деб баҳолаган.

Пробацция хизмати ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлиги тарбиячи ва мураббийларнинг хулосалари орқали намоён бўлади. Улар шартли ҳукм қилинганларни муддатидан олдин озод қилиш, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан муддатидан илгари озод этишда ижобий ёки салбий тавсифнома тайёрлашда иштирок этади. Шу билан бирга, жазони ўташдан бўйин товлаш ёки қайта жиноят содир этиш ҳолатларида ҳам тегишли фикрномалар расмийлаштирилади.

<sup>6</sup> [lex.uz/uz/docs/7050441](https://lex.uz/uz/docs/7050441);

<sup>7</sup> <https://gov.uz/ru/iiv/pages/ichki-ishlar-vazirligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar>;

<sup>8</sup> <https://lex.uz/docs/6705763>

Аммо амалиётда тарбиячи ва мураббийлар фаолияти бўйича тизимли ҳисобот ва таҳлиллар юритилмаслиги ҳамда уларнинг натижадорлиги баҳоланмаслиги кузатилмоқда. Шунингдек, пробацция соҳасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни тартибга солувчи аниқ нормалар қонунчиликда етарлича белгиланмаган бўлиб, асосан фақат вояга етмаганлар бўйича жамоат тарбиячиларига оид алоҳида тартиб мавжуд.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш ҳамда “Пробацция тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасида белгиланган талаблар ижросини самарали таъминлаш мақсадида, шунингдек илғор хорижий тажрибалар асосида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

*биринчидан*, жамоат тарбиячиларини танлаш ва тайинлаш жараёнини аниқ ва ягона тартибга солувчи, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланадиган “Пробацция назоратидаги шахсларга жамоат тарбиячиларини тайинлаш тартиби тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Сўровга жалб этилган пробацция ходимларининг 45,5 фоизи мазкур низомни зарур деб ҳисоблаган, 27,3 фоизи эса уни шарт эмас, 13,6 фоизи концепция ишлаб чиқишни, яна 13,6 фоизи мавжуд қўшма қарор етарли эканини билдирган.

*иккинчидан*, “Пробацция тўғрисида”ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 801-сон қарори билан тасдиқланган Низом талабларидан келиб чиқиб, ИИВнинг 2017 йил 27 июлдаги 157-сон буйруғини янги таҳрирда ишлаб чиқиш зарур. Унда жамоат тарбиячисини танлаш, номзодлар билан суҳбат ўтказиш, розиликни расмийлаштириш ҳамда мажбуриятларни тушунтириш тартиби аниқ белгиланиши керак. Шунингдек, жамоат тарбиячиси институти учун аниқ мезонлар, уни танлашнинг шаффоф механизми, вазифа ва масъулиятлар ҳамда рағбатлантириш тизими назарда тутилиши лозим.

Бундан ташқари, жамоат тарбиячиларини тайёрлаш ва услубий қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус ўқув курслари, семинарлар, онлайн тренинглар ҳамда ҳуқуқий-психологик қўлланмаларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, жамоат тарбиячилари фаолиятини баҳолаш ва мониторинг қилиш тизимини йўлга қўйиш, уларнинг ҳисоботларини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда масъулият механизмларини белгилаш зарур.

Умуман олганда, пробацция назоратидаги шахсларга жамоат таъсирини кўрсатиш соҳасида институционал асосларнинг етарли эмаслиги ва ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

**Учинчи йўналиш** – пробацция назоратидаги шахслар томонидан жазони ижро этиш ҳамда суд томонидан белгиланган таъқиқ ва чекловларга риоя этилишини назорат қилиш соҳасидаги ҳамкорликдир.

Таҳлиллар кўрсатишича, бу ҳамкорлик асосан жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш ҳамда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятларини таъминлашда амалга оширилади. Бунда пробацция хизмати фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда тушунтириш ишларини олиб боради, мажбуриятлар бажарилмаган ҳолда эса жазони оғирроғига алмаштириш юзасидан судга тақдимнома киритилади.

Амалиётда эса бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улардан асосийлари: идоралар ўртасида ахборот алмашинувининг тизимли йўлга қўйилмаганлиги, ахборот

базаларининг интеграциялашмаганлиги ҳамда ижтимоий хавфи юқори шахсларни аниқлаш бўйича ягона “профилактика индикаторлари” методикасининг ишлаб чиқилмаганлигидир.

*Тўртинчи йўналиш* – пробация назоратидаги шахсларни ижтимоий мослаштириш мақсадида маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш бўйича ҳамкорликдир.

2025 йилда пробация бўлинмалари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда 167 та кутубхона ташкил этиб, назоратдаги шахсларнинг маънавий ривожланишига хизмат қилувчи 50 турдаги адабиётлар билан таъминлаган. Шунингдек, уларнинг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш мақсадида волейбол, футбол, стол тенниси ва шахмат бўйича 576 та спорт мусобақаси ўтказилган<sup>9</sup>.

Пробация назоратидаги шахслар, шунингдек маъмурий назоратдаги шахслар устидан назоратни кучайтириш уларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, даромади ва бандлигини ўрганиш ҳамда индивидуал профилактик тадбирларни белгилаш орқали амалга оширилади.

Бироқ ижобий ишлар билан бирга, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш йўналишида қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан, тадбирларни олдиндан режалаштириш ва тизимли ташкил этиш етарли эмас, шунингдек давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг куч ва молиявий ресурслари тўлиқ ва самарали бирлаштирилмаган.

**Хулоса ва таклиф.** Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда пробация хизмати ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳуқуқий жиҳатдан шаклланган бўлса-да, амалиётда унинг самарадорлиги тўлиқ таъминланмаган. Жамоат тарбиячилари институти, ижтимоий мослаштириш, бандликка жалб этиш ҳамда профилактик ишлар бўйича мавжуд механизмлар етарли бўлса-да, уларнинг амалий таъсири чекланган, идоралараро мувофиқлашув ва мониторинг тизими етарлича ривожланмаган. Шу билан бирга, ахборот алмашинуви, ягона баҳолаш индикаторлари ва самарадорликни баҳолаш мезонларининг йўқлиги қайта жиноятчиликнинг олдини олиш ва назорат сифатини пасайтирмоқда. Шу нуқтаи назардан пробация тизимини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан қуйидаги таклифлар илгари сурилади: биринчидан, пробация ва маҳалла ҳамкорлигини тартибга солувчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш орқали институционал асосларни мустаҳкамлаш; иккинчидан, жамоат тарбиячилари фаолиятини танлаш, тайинлаш ва баҳолашнинг шаффоф ҳамда ягона тизимини жорий этиш; учинчидан, пробация, бандлик, таълим ва ижтимоий ҳимоя органлари ўртасида электрон ахборот алмашинувини тўлиқ интеграция қилиш; тўртинчидан, назоратдаги шахслар учун индивидуал ижтимоий реабилитация дастурларини ишлаб чиқиш ва хорижий илғор тажрибаларни жорий этиш; бешинчидан, жамоат тарбиячилари ва мураббийлар учун малака ошириш, методик қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш тизимини кучайтириш.

<sup>9</sup> <https://gov.uz/ru/iiv/pages/ichki-ishlar-vazirligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar>;

1. Умуман олганда, пробация тизимининг самарадорлигини ошириш учун ҳуқуқий база, институционал ҳамкорлик ва ижтимоий реабилитация механизмларини комплекс равишда такомиллаштириш зарур.



INNOVATIVE  
ACADEMY